

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Жигар касалликлари

**(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари
педиатрия, даволаш ва тиббий педагогика факультетлари
талабалари учун укув-услубий кулланма)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА УРТА ТИББИЙ ТАЪЛИМ БУЙИЧА
УКУВ-УСЛУБ ИДОРАСИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«Т А С Д И К Л А Й М А Н»

**Ўз.Р ССВ кадрлар ва
укув юртлари бош бош-**

кармаси

бошлиги доцент

Т.С. САИДОВ _____

«__» _____ 2005йил

Жигар касалликлари

**(Рейтинг тизимида таълим олаётган тиббиёт институтлари
педиатрия, даволаш ва тиббий педагогика факультетлари
талабалари учун укув-услубий кулланма)**

Ушбу уқув - услубий кулланма Андижон Давлат тиббиёт институтининг патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсида тайёрланган.

ТУЗУВЧИЛАР:

Аблязимова Т.Б.т.ф.н. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доценти.

Маматалиева М.А. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини ассистенти.

Маматалиев А.Р. т.ф.н. - Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доценти.

Ушбу уқув - услубий кулланма патологик анатомия фани бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Мувофиқлаштириш кенгашида куриб чиқилиб, тасдиқланган - 2002 йилда нашр этилган намунавий дастурлар (5720100-даволаш иши ва 5720200-педиатрия иши таълим йуналишлари) асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу уқув – услубий кулланма АДТИ патологик анатомия кафедраси, суд тиббиёти ва патологик физиология курсининг мудири, т.ф.д., профессор Чурикова А.С. таҳрири остида тайёрланган.

Такризчилар:

1. Искандаров А.И. - т.ф.д., профессор, Тошкент педиатрия тиббиёт институти суд тиббиёти кафедрасининг мудири.
2. Гаффаров А.Г. - т.ф.н., Андижон Давлат тиббиёт институти тиббий биология ва гистология кафедрасини доценти.

Курс булими:

Жигар касалликлари

Машгулотни мавзуси:

**Гепатозлар. Гепатитлар. Жигар циррози
ва раки. Болаларда жигар касалликлари.**

Машгулотни мақсади:

Талабалар - гепатозларни, гепатитлар, жигар циррозлари ва ракларининг этиологияси, патогенези, морфологияси, морфогенезини, уларни оғирлашувларини, тугалланишини ва бошқа жараёнлардан морфологик характеристикасига асосланиб фарқлашни билишлари керак.

Машгулотни вазифалари:

Талабалар - гепатозларни, гепатитларни, жигар циррозлари ва ракларини таърифи ва турларини, асосий этиологик омиллари ва патогенезини звеноларини аниқлашни, морфологик суръатига асосланиб дифференцировка қилишни, оғирлашувларини ва якунланишларини аниқлаш ва баҳолашни бажара олишларини ургатиш.

Тарбиявий мақсади:

Булгуси шифокор касби учун зарур хусусиятлар: ҷидамлилиқ, беморларга эътиборлилиқ, деонтология элементларини, ватанпарварлиқни тарбиялаш.

Машгулотнинг бошқа фанлар билан боғланиши

Келиб чиқиши	Машгулот номи	Чиқиш
1.Биология кафедраси 2.Гистология кафедраси 3.Биокимё кафедраси 4.Одам анатомияси кафедраси 5.Нормал физиология кафедраси.	Гепатозлар. Гепатитлар. Жигар циррози ва раки. Болаларда жигар касалликлари.	1.Даволаш ва педиатрия факультетларининг клиник кафедралари (жаррохлик, терапевтик, акушер- гинекологик йуналишлар- даги кафедралар) ва б. 2.Суд тиббиёти ва б.

Кириш.

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Жигар касалликлари ирсий ва ҳаёт давомида орттирилган, бирламчи (жигарнинг хусусий касалликлари) ва иккиламчи (бошқа касалликларда жигарни шикастланиши) бўлади.

Жигар касалликларига – баъзан инфекциялар (эпидемик гепатит, уткир сарик лихорадка, лептоспирозлар, описторхозлар, терламалар) ва эндоген (уремия, тиреотоксикоз), шунингдек экзоген табиатли (гепатотроп захарлар, алкоголь, овқатдан захарланиш) интоксикациялар сабаб бўлади.

Кон айланишини бузилиши, озикланишни ва жигардаги моддалар алмашинувини бузилишлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Агар жигарда гепатоцитларни дистрофияси ва некрози устун бўлса у **гепатозлар** дейилади, яллиғланиш устун бўлган ҳолларда **гепатитлар** ҳақида гапирилади. Жигар циррози асосида склероз ва жигар туқимасининг қайта қурилиши, дисрегенератор жараёнлар ётади, баъзан жигар раки ривожланади.

ГЕПАТОЗ

"Гепатоз" терминини 1930й. Рессле таклиф этган, бунда жигар паренхимасида моддалар алмашинуви бузилади, мезенхимал реакция кучсиз намоён бўлади. Уни қуйидаги турлари тафовут қилинади:

Кечишига қараб:

- 1.Уткир гепатозлар (жигарнинг токсик дистрофияси).
- 2.Сурункали гепатозлар («ёғли гепатоз», алкогольли гепатоз ва б.)

Моддалар алмашинувининг бузилишларига қараб:

- 1.Ёғли гепатоз (стеатоз, ёғли дистрофия).
- 2.Холестатик гепатоз
- 3.Пигментли гепатоз

ЖИГАРНИНГ ТОКСИК ДИСТРОФИЯСИ.

Токсик дистрофияси ёки прогрессияловчи таркалган некроз - одатда, уткир утадиган касаллик булиб, бунда жигарда прогрессияловчи таркалган некроз ва жигар етишмовчилиги курилади.

Этиологияси ва патогенези касаллик ҳар хил экзоген интоксикацияларда (масалан: фосфор, мышъяк, захарли кузикоринлар ва бошқа захарланиш), эндоген интоксикацияларда – аутоинтоксикацияларда (жомилдорлик токсикози, тиреотоксикоз, йирингли-резорбтив лихорадка) руй бериши мумкин. Вирусли гепатитни тез кечадиган хавфли шаклида ҳам кузиши мумкин. Токсик моддалар жигар туқимасига бевосита патоген таъсир курсатиб (гепатотоксик таъсири) оғир дистрофик ва некротик узгаришларга сабаб булади.

Ушбу касалликнинг анатомик узига ҳослигини 1824 йилда К.Рокитанский ёзган.

Унинг этио-патогенезида жигарда:

- 1) гепатоцитларда «ёғли» некробиоз, оксил алмашинувининг бузилиши, аутолиз
- 2) паренхимасида регенератор жараёнлар
- 3) цирротик узгаришлар кузатилади.

Патологик анатомияси

Жигарнинг токсик дистрофиясини патоморфозида 2 та босқичи тафовут қилинади.

1.Сарик дистрофия даври.

Касалликни дастлабки 3 – 4 кунда жигар катталашади, у илвиллаб қолади, юзаси ва кесилган жойи сарғиш тусга киради. Микроскопик ёғ дистрофиясига учраганлигини белгилари топилади. Кейин жигар (макроскопик) кичрая бошлайди, вазни камаяди, консистенцияси илвиллаб, қобити буришиб қолади. Булақлар марказида кенг некроз учоклари пайдо

булади, некроз сохаси кейинчалик бутун булакни ва хатто бир нечта булакларни уз ичига олади. Дистрофик ва некробиотик узгаришлар кучаядиган бу давр 10 – 12 кун давом этади.

2. Кизил дистрофия даври

Касалликни 12 – 14 кунда жигарни некротик тукимаси парчаланеди, сурилиб кетади. Бу жараён булакларни марказида бошланиб, секин-аста перифериясига ёйилади. Ретикуляр стромасидаги синусоидлари конга тулади. Гепатоцитлар булакни факат перифериясидагина сакланади. Макроскопик текширишда касалликнинг 15 – 17 кунига бориб, жигар олабула, сунгра (капиллярнинг кон билан тулиб кетиши натижасида) кизил ва кичкина булиб қолади.

Касаллик уткир, ним уткир ва сурункали кечиши мумкин.

Уткир шакли (10-15кун) дастлабки кунларда жигар булагини маркази кисмидаги гепатоцитларда кескин намоён булган ёг ва оксил дистрофияси, некробиози, трабекуляр тузилишини бузилиши, периферик кисмини баъзи сохаларида паренхимасини узгармай қолгани кузатилади. *Макроскопик* жигар тук сарғиш, илвиллаган, бужмайган булади (сарик дистрофия даври). 3-4 кундан кейин эса жигар кескин кичиклаша бошлайди. Ёрилганда жигар диафрагма ёйида баланд жойлашиши, қирралари уткирлашгани, бужмайган, илвиллаганлиги, рангли қизғиш («мускатсимон») рангда булади (кизил дистрофия даври). *Микроскопик* 3-4 кунларида жигар булагини ва трабекулаларини тузилишида тулик дезорганизация булади, «яланғочланган» ретикуляр толалар, трабекулалар, ядросиз гепатоцитларнинг қолдиқлари кузатилади. Талогини ва лимфатугунлари қатталашган, илвиллаган булади. Териси, шиллик ва сероз қатламларда қон қуйилишлар кузатилади. Ички аъзоларда некробиотик ва дисрегенератив узгаришлар (буйракда, меъда ости безида, миокарда, МНС ва б.) ривожланади.

Ним уткир шаклида узгаришлар купрок жигар булагини марказий кисмида намоён булади: марказий кисмида дистрофия, некробиоз, некроз, периферик кисмида эса сакланган трабекуляр ва булаклараро ут йулларини эпителийлари хисобига регенератор жараёнлар кузатилади. Окибатда булак марказида томирлар ва усаётган бириктирувчи тукима, периферик кисмида эса регенерат тугунлари, капиллярларни нотутри ривожланиши, утни димланиши кузатилади. Бу шакли нисбатан купрок учрайди.

Сурункали шакли камрок учрайди, регенератив жараёнлар кучли булади, жигар кичиклашади, кесилганда юзаси саргил-қулранг тугунсимон донаторлик олади (жигарнинг тугунсимон гиперплазияси).

Жигар булагининг гепатоцитлари халок булган трабекулаларида томирлар бушаб қолади, аргирофил толалар емирилади, урнига фиброз тукима усади. Бу кейинчалик кон оқинининг бузилишига, цирроз ва усма жараёнларини ривожланишига олиб боради. Сурункали шакллари хар доим асцит, сариклик билан биргаликда намоён булади

Жигар токсик дистрофиясини *окибати* купинча ёмон булиб, беморлар жигар етишмовчилигидан нобуд булади. Жигар етишмовчилигига купинча буйраклар етишмовчилиги ҳам кушилади (гепаторенал синдром). Охирида жигарнинг постнекротик циррози келиб чиқади.

ГЕПАТИТ

Гепатитни — асосида яллигланиш жараёнлари ётади, жигарни паренхимасида дистрофик ва некробиотик узгаришлар, стромасида яллигланиш хужайралари инфильтрация намоён булади. Гепатит бирламчи, яъни мустакил касаллик сифатида, ёки иккиламчи бошқа касалликни намоён булиши сифатида ривожланади. Кечишини характериға қараб уткир ва сурункали гепатитлар тафовут қилинади.

Этиологияси ва патогенези.

Бирламчи гепатитни ҳосил бўлиши купинча-гепатотроп вирусларни (вирусли гепатит), алкогольни (алкоголли гепатит) ёки дориларни таъсири билан боғлиқ бўлади (медикаментоз ёки дорилар таъсири остидаги гепатит).

Хужайрадан ташқари холестазга ва жигар ости сариклигига олиб боровчи омиллар холестатик гепатитга сабаб бўлади.

Иккиламчи гепатитлар инфекциялар (сарик лихорадка, цитомегалия, ич терлама, дизентерия, безгак, сил, сепсис), интоксикациялар тиреотоксикоз, гепатотоксик захарлар), меъда-ичак йулларини шикастланиши, бириктирувчи туқимани системали касалликлари ва бошқаларда кузатилади.

ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ

Уткир гепатит: экссудатив ва продуктив бўлиши мумкин.

Экссудатив гепатитда бир хилда (масалан: тиреотоксикозда) экссудат сероз характерга эга ва жигар стромасига шимилган (сероз гепатит), бошқа ҳолда йирингли экссудат (йирингли гепатит) портал йулларини диффуз инфильтрациялаган бўлиши (масалан: йирингли холангит ва холангиолитда) ёки йирингли учоклар ҳосил қилади (йирингли аппендицитдаги жигарнинг пилефлебитик абсцесслари, амебиаз, септикопиемиядаги метастатик абсцесслар).

Уткир продуктив гепатит булакни турли булимларидаги гепатоцитларни дистрофияси, некрози ва жигар ретикулоэндотелиал системасини реакцияси билан характерланади, гематоген элементлар кушилади.

Сурункали гепатит стромани хужайра инфильтрацияси, паренхиматоз элементларни деструкцияси, жигар туқимасини склерози ва регенерацияси билан характерланади. Сурункали гепатитни 3 морфологик қуринишлари тафовут қилинади.

Сурункали актив (агрессив) гепатитда гепатоцитларни кескин намоён бўлган дистрофияси ва некрози (деструктив гепатит), хужайра

инфильтрацияси, бириктирувчи туқимани ўсиши – портал, перипортал йўлларга ва булак ичига кириб боради.

Сурункали персистенцияловчи гепатитда гепатоцитларда дистрофик ўзгаришлар кучсиз намоён бўлади. Портал, камрок булак ичидаги йўллари, стромани ўчоғли хужайра инфильтрацияси характерли бўлади.

Сурункали холестатик гепатитда стромани оралик инфильтрацияси ва склерози, гепатоцитларни дистрофияси ва некробиози билан биргаликда холестаз, холангит ва холангиолит кучли намоён бўлади.

Сурункали гепатитда жигар катталашади ва каттиклашади. Уни қобити ўчоғли ёки диффуз қалинлашган, оқимтир тус олган бўлади.

Гепатитни тугалланиши - гепатитни сурункали кечишида цирроз ривожланиши мумкин.

ЖИГАР ЦИРРОЗИ.

Жигар циррози – сурункали касаллик бўлиб, жигар етишмовчилиги билан характерланади.

Этиологик қуйидаги турлари тафовут қилинади:

- 1.Инфекцион (вирусли гепатит), паразитар касалликларида.
- 2.Токсик ва токсик-аллергик
- 3.Билиар (холангит, холестаз)
- 4.Метаболик – алиментар
- 5.Циркулятор сурункали қон қимиланишида

Циррозларни 4-та **морфогенетик тури** тафовут қилинади:

- 1.постнекротик
- 2.портал
- 3.билиар
- 4.аралаш

Клиник жиҳатдан вирусли ва билиар циррозлари катта аҳамиятга эгадир.

Патологик анатомияси.

Жигар циррозида гепатоцитларни дистрофияси, некрози, регенерацияси, диффуз склерози, аъзо тузилмаларини кайта қурилиши, склеротик жараёнларни авж олиши муносабати билан жигарни деформацияси рўй беради. Булакчада буладиган некроз – *субмассив некроз*, бир нечта булакчаларда бўлса – *массив некроз* деб номланади.

Жигар хужайралари нобуд бўлгандан кейин регенерация бошланади. Альтерацияланган қисмлар ёнида катталашган жигар хужайралари пайдо бўлади, уларни ядроларида 3 – 4 ядроча қурилиб туради. Нобуд бўлган жойда сохта булакчалар вужудга келади. Бундай булакчаларда томирлар нотўғри жойлашган, марказий венаси баъзан сохта булакча четидан утади ёки бутунлай бўлмайди (жигар ичидаги портоковал шунтлар, анастомозлар).

Пайдо бўлган тугунчаларига – регенерат тугунчалар деб аталади, буларни катталигига асосан циррозни 3 та тури тафовут қилинади:

1. Майда тугунли (диаметри - 2 см-гача)
2. Катта тугунли (диаметри - 5 см-гача)
3. Аралаш тугунли (майда ва катта регенерат тугунлари)

Жигар циррозида бириктирувчи туқимани ривожланиши диффуз характерда бўлиб, бунга диффуз фиброз деб аталади, булакчадан ташқарида ҳам, перипортал туқимада ҳам, булакча ичида ҳам рўй беради.

Перипортал туқимада коллаген толаларни ҳосил қилувчи фибробластлар пролиферацияланади. Портал ва перипортал склероз ривожланишида портал гипертензия вужудга келади, натижада фақат жигар ичидагина эмас, балким жигардан ташқарида ҳам портоковал анастомозлар пайдо бўлади.

Жигар тузилмаларини кайта қурилиши циррозни энг муҳим морфологик белгисидир. Кайта қурилиш натижасида жигар деформацияси вужудга келади, регенерат тугунлари жигар юзадидан чиқиб, унга донадорлиги ёки гадур – будурлик тусини беради, тугунлар орасини ичига

тортилиши бириктирувчи туқимани етилган сайин бурушишидан келиб чиқади.

Циррозларнинг боскичлари:

1.Инсуляр боскичи /оролча/ - глиссон қобити бўйлаб бириктирувчи туқимани усиши, лимфоцитлар билан инфильтрацияланиши кузатилади. Бу оролчаларга яқин жойлашган паренхиматоз хужайралар ёғ дистрофияси ҳолатида бўлади.

2. Интеринсуляр боскичи /оролчалараро/- бириктирувчи туқимани усиши қучаяди, фиброз тўпламлари билан бир-бирларига қушилади, булақлар аниқ чегараланади.

3. Аннуляр боскичи /ҳалқасимон/, фиброз-ретикуляр туқима тарқок усади, ораликларида «ёлғон булақлар» бетартиб жойлашади, лимфоид инфильтрация қучаяди.

Жигарни постнекротик циррози – жигарда массив некротдан кейин ривожланади. Некроз учоғларида ретикуляр стромаси қоллапси ва бириктирувчи туқимани пайдо бўлиши қурилади. Сакланиб қолган паренхимада регенерация жараёнлари бошланади, регенерат тугунчалари ҳосил бўлади, жигар деформацияланади, стромани қоллапси натижасида триада ва марказий веналарни яқинлашув содир бўлиб, бир майдонда постнекротик циррозни морфологик белгиси бўлган бир неча триада мавжудлиги топилади. Макроскопик жигар кичиклашган, қаттиқ, чуқур ва қенг эғатлар билан бўлинган, йирик тугунлардан иборатдир. Бу циррозга жигар хужайраларини эрта етишмовчилиги ва охирида портал гипертензияни бўлиши характерлидир.

Портал циррозлар/септал, атрофик/ купрок қари эрқакларда учрайди: портал ва перипортал майдонлардаги қенгайган ва склеротланган майдонларга фиброз септларни ёпишиши оқибатида ҳосил бўлиб, марказий вена ва портал томирларни қушилишига ва майда ёлғон булақчалар ҳосил бўлишига олиб боради. Микроскопик сийрак бириктирувчи туқима тури ва

майда ёлгон булакчалар кузатилади. Макроскопик жигар кичиклашган, каттиклашган, отирлиги 500г-гача, юзаси майда донадор. Бу цирроз аста – секин ривожланади, алкоголизм ва овкатланиш дисбалансидан кейин келиб чиқади. Портал гипертензия эрта, жигар хужайралари етишмовчилиги кеч ривожланади.

Биллиар циррозни 2 тури бор: 1-чи ва 2-чи. Бирламчи циррозни 2 тури булади. Бирламчи биллиар циррозни асосида йирингли булмаган деструктив холангит ва холангиолит ётади. Деструкцияга жавоб сифатида ут йуллари чандикланиши ва пролиферацияси, перипортал майдонни склерози ва инфильтрацияси, булак чеккасидаги гепатоцитларни халок булиши, септ ва ёлгон булакларни хосил булиши кузатилади. Бунда жигар катталашган, каттиклашган, кулранг – зангори рангда, юзаси силлик ёки майда донадор булади. Бу цирроз купинча аёлларда климакс вақтида кузатилади. **2-биллиар циррозлар** жигардан ташкаридаги ут йулларинини обструкцияси билан ботлик булиб, холестазга ёки йирингли холангит ва холангиолитга олиб боради. Бу циррозга ут капилларини кенгайиши ва ёпилиб кетиши «ут суюклигини» тупланиши», холангит ва перихолангиолит, перипортал майдонда бириктирувчи тужимани усиши ва уни усиб, ёлгон булаклар хосил килиши характерлидир. Жигар бунда катталашган, каттиклашган, зангори рангда, кесилганда ут йуллари кенгайган ва суюкликга тулган булади. Аралаш циррозда постнекротик ва портал цирроз белгилари топилади.

Жигарда регенерат тугунларини хосил булишида веналар эзилади ва жигар артериялари ва дарвоза венаси, дарвоза венаси ва жигар веналари тармоклари уртасида анастомозларни хосил булиб, портал гипертензия ва интоксикацияга (веноз кон жигарда дезинтоксикация булмайди) олиб боради.

Циррозларда жигардан ташкари узгаришлар:

Декомпенсацияда асцит кузатилиб, у веноз оқим кийинлашуви оқибатида коллатерал йулларни ривожланишидан ҳосил бўлади:

1) Киндик венасидан киндик соҳасига ва юқориги ковак вена /порто-абдоминал йул/.

2) Меъданинг кардиал соҳасидаги веналардан диафрагма веналари ва кизилунгач веналарига /порто-эзофагал йул/.

3/ Порто-илеоцекал йул – илеоцекал соҳаси веналари орқали.

4/ Порто-люмбал йул – бел веналари орқали пастки ковак веналарга

5/ Порто-пулмонал йул - жигар қобити ва диафрагма уртасида битишмалар ҳосил бўлганда очилиб циркуляция қилади.

Нисбатан қупроқ порто-абдоминал йул циркуляция қилади (нисбатан физиологик, бунда бир қисм қон жигардан утади), ва у гепатофеталь йул дейилади, жигардан ташқари оқса гепатофугал йул дейилади.

Оғирлашувлари

1/ **Асцит-перитонит.** Асцит патогенезида портал гипертензия, лимфа оқилини бузилиши, гипопроотеинемия, буйракда қон айланишини пасайиши, сув ва натрийни ушланиб қолиши, жигар функцияларини бузилиши оқибатида альдостеронни ортиши, гиперсекреция аҳамиятга эгадир.

2/ **Сариклик** (паренхимани етишмовчилиги оқибатида).

3/ **Анемия**

4/ **Талокнинг катталашиши**

5/ **Моякни, тухумдонни, қалқонсимон безни атрофияси, кахексия, сочни тужилиши**

6/ **Меъда ости безини склерозланиши**

7/ **Витаминлар ва б.моддалар алмашинувининг бузилишлари** ва уларнинг оқибатлари (кахексия, қон кетишлар, полиневритлар, қуришни бузилиши ва б.)

ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ НАЗОРАТ

(билимни дастлабки даражасини текшириш ва аудиториядан ташқари мустакил тайёргарлигини натижалари буйича коррекция қилиш)

Аудиториядан ташқаридаги мустакил тайёргарлик учун назорат саволлари:

1. Жигарни токсик дистрофияси-этиологияси, патогенези, патологик анатомияси. тугалланиши
2. Ёгли гепатоз-этиологияси, патогенези, патологик анатомияси
3. Уткир ва сурункали, бирламчи ва иккиламчи гепатитлар, турлари, морфологияси, тугалланиши
4. Жигар циррози-этиологияси, патологик анатомияси.
5. Жигар циррозларини патогенези ва морфогенези. Портал қон айланишида қийинчилик юзага келганидаги асосий анастомозлар.
6. Постнекротик, портал ва билиар жигар циррозларини дифференциал диагностикаси.
7. Жигар циррозида жигардан ташқаридаги узғаришлар ва уларни таснифи
8. Жигар раки - тушунчаси, турлари, морфологияси.

Доимий текшириш: мустакил тайёргарлик учун берилган саволлар асосида утказилади.

Дарснинг жиҳозлаш:

1. Микроскоплар – 6та.
2. Микропрепаратлар – 10та (2 хил).
3. Макропрепаратлар – 6та (4 хил).
4. Таблицалар – 6та.
5. Компютер презентацияси – 1та.
6. Талабалар учун укув-услубий қулланма
7. Слайдлар, диапозитивлар, атласлар ва диапроректорлар.

Амалий машғулотни утказиш хронологик харитаси

№	Машғулот тартиби	135 (мин.)	Гуруҳлардаги талабалар сони
1	Машғулотни ташкилий қисми	5	11-12 талаба

2	Талабаларни бошлангич (мустакил тайёргарлигини) билимини мавзу саволларига асосланиб текшириш: <i>Ёзма:</i> Оғзаки	15 30	-*-
<i>Машгулотнинг амалий қисмининг тахлили</i>			
3	Машгулотнинг амалий қисмини (макро-микропрепаратларни, таблица ва слайдларни, компьютер презентацияларини) намойиш қилиш	30	-*-
4	Уқув хонасида талабаларни мустакил ишлари (макропрепаратларни уқув харита ва йуналтирувчи асос ёрдамида ва уқув кулланмалари орқали урганиш, микропрепаратларни микроскоп ва атлас билан ишлаш, таблицалардан фойдаланиш.)	30	-*-
5	Материални узлаштириш даражасини баҳолашда ситуацион масаларини ечиш, «ёзувсиз» препаратларни сураш, услубий кулланмани текшириш, баҳолаш.	15	-*-
6	Машгулотни якунлаш	10	-*-

Амалий машгулотни уқув харитаси

(Талабаларни мустакил аудитория иши учун).

1. Макропрепаратларни ўрганиш учун вазифа ва уни амалга ошириш боскичлари

Аъзонинг макроскопик тавсифи	Патологик учогни макроскопик тавсифи	Хулоса
1.Аъзо шакли ва улчами узгаришини. 2.Аъзо юзасини, кесилгандаги ранги ва суръатини характерлаш.	1.Патологик учогни жойлашувини, улчамларини (см.), тузилишини, рангини, чегарасини белгилаш. 2.Патологик жараённи ифодалаш. 3.Касалликда учрашини белгилаш.	1.Аниқланган узгаришларга тегишли булган нозология

3.Ичи буш аъзоларни девори ва бушлиги улчамларини тузилиши, коповчи пардасини ҳолатини белгилаш.	4.Жараёни морфологик динамика-сини ифодалаш. 5.Жараёнларни характерлайдиган микроскопик белгиларни ифодалаш.	хакида хулоса бериш.
--	---	----------------------

Макропрепаратларни ёзиш.

1. Жигарни портал циррози

2.Жигарни емирилаётган раки

Намойиш қилинадиган макропрепаратлар:

1. Ёгли гепатоз
2. Жигарни токсик дистрофияси.

II.Микропрепаратларни урганишдаги ҳаракатларни йуналтирувчи асоси

Препаратни сиртдан куриш	Препаратни кичик катта-лаштириш ёрдамида куриш	Препаратни катталаштирилган ҳолда урганиш	Препаратни чизиш	Расмни белгилаш	Хулоса
Куролламанган кузга курунган тузилиш узгаришларни:	Тукумани кайси усул билан буялганлигини, кайси	Тузулишида ги морфологик узгариш-лар тафсилотларини	Услубий кулланмага микропрепаратларни номини ёзиш, ушбу	Шу патологик жараёни характерловчи узгаришларни курсат	Аниқланган узгаришларга тегишли бул

учоғлар, турли катламлар, ранги билан фаркланадиган жойларни, кейинчалик шу жойларни микроскопда куриш учун аниклаш.	тукимадан эканлигини тузилиш узгаришлари характерини аниклаш.	(ядро, цитоплазма, стромаларни) аниқлаш.	патологик жараённи характерловчи тузилиш узгаришлари ни чизиш.	кич ёрдамида белгилаш	ган нозология хақида хулоса бериш.
--	---	--	--	-----------------------	------------------------------------

Микропрепаратларни урганиш ва чизиш:

Жигарни токсик дистрофияси

(гем.-эозин билан буялган).

- 1.Жигар марказидаги халок булган гепатоцитларни урнида ёғли детрит
- 2.Лейкоцитларга инфильтрланган коллабирланган
- 3.Булак чеккасидаги гепатоцитлар ёғ дистрофияси холатида.



Жигарнинг портал циррози

(гем.-эозин билан буялган).

- 1.Гепатоцитларнинг ёғли дистрофияси
- 2.Бириктирувчи тукима катлами



Макропрепаратлар ва микропрепаратларнинг компьютер презентацияларида ва микроскопик урганишларда - «думалоқ стол» усулини куллаб, ҳар бир талабанинг жавоби тугри-нотугри эканлиги текширилиб билим даражаси баҳоланади, муаммони ҳал қилишда «босқичма-босқич» усулини куллаб, ушбу мавзудаги патология муаммолари аникланади, у: 1-босқичда муаммони аниклаш (патологик узгарган тукима ёки аъзонинг нормал қуринишини эслашга), 2-босқичда - маълумотни топиш (юзага

келган патологияни аниқлашга), 3-боскичда олинган маълумотларни амалиётда–клиникада (турли патологик ҳолатларда ёки касалликларда) қўлланилади.

III. Амалий машғулотда ечиш учун тестлар:

1.Жигарнинг токсик дистрофияси ривожланишидаги эндоген омилни курсатинг:

- * гепатотроп захарлар билан захарланиш
- * тиреотоксикоз
- * **жомиладорлик токсикози**
- * ҳар хил этиологиядаги шок
- * захарли моддалар билан захарланиш

2.Узоқ вақт давоётган жигар токсик дистрофиясининг оқибатини айтинг:

- * аъзони тикланиши
- * рак
- * сариклик
- * гемосидероз
- * **жигар циррози**

3.Алкоголь гепатитга хос махсус морфологик белгиларни айтинг:

- * Каунсильмен таначалари
- * некроз учоғлари
- * амилоид учоғлари
- * **Маллори таначалари**
- * гранулемалар

4.Алкоголли гепатитда жигардаги инфилтратнинг асосий таркиби қандай?

- * плазмоцитар
- * лимфоидли

* **лейкоцитар**

* макрофагал

* эпителиоид хужайрали

5.Хар жил этиологияли сурункали фаол гепатитга хос охибатни айтинг:

* ракта утиш

* тузалиш

* **цирроз ривожланиши**

* холестаза ривожланиши

* ёгли дистрофия ривожланиши

6.Жигар циррозининг асосий этиологик шаклини курсатинг:

* инфекцион

* токсик

* билиар

* алиментар-алмашинувли

* **хамма жавоб тугри**

7.Йирик тугунли жигар циррозининг купрок учрайдиган этиологиясини айтинг:

* алкоголь

* **В-вирусли гепатит**

* медикаментлар

* дисциркулятор узгаришлар

8. Бирламчи биллиар цирроз кайси касалликлар гуружига киради?

* кон касалликлари

* **аутоиммун касалликлар**

* онкологик касалликлар

* дистрофик касалликлар

* йитилиш касалликлари

9.В вирусли гепатитнинг қайси тури оқибатида постнекротик цирроз ривожланади?

- 1.сурункали персистирловчи
- 2.сурункали фаол массив некроз учоклари билан
- 3.утқир гепати
- 4.холестатик гепатит
- 5.сариксиз тури

* 1, 3 * 2, 3 * 1, 4 * 2, 4 * 2, 5

10.Вирусли гепатит билан зарарланиш йулларини курсатинг:

- 1.фекал-орал
- 2.парентерал
- 3.трансплацентар
- 4.периневрал
- 5.хаво-томчили

* 2;3; * 3;4; * 3;5; * 4;5; * 1;2;

11.В вирусли гепатитдаги гепатацитлар дистрофиясига купрок қайси тури хос?

- 1.ёгли
- 2.гидропик
- 3.липофусциноз
- 4.баллонли
- 5.гемосидероз

* 2;4; * 1;3; * 3;5; * 1;5; * 2;3;

12.Жигар токсик дистрофияси ривожланишидаги экзоген омилларни айтинг:

- 1.фосфор ва гелиотроп билан захарланиш
- 2.замбуруглар, сифатсиз озика билан захарланиш
- 3.хар хил этиологиядаги шок

4.сулема билан захарланиш

5.тиреотоксикоз

* 3;4; * 3;5; * 2;4; * 1;2; * 4;5;

13.Гепатозлар турларини курсатинг:

1.бирламчи, иккиламчи

2.умумий, маҳаллий

3.инфекцион, ноинфекцион

4.наслий, орттирилган

5.уткир, сурункали

* 1;2; * 2;3; * 1;3; * 2;5; * 4;5;

14.Жигар токсик дистрофиясидаги улим сабабларини курсатинг:

1.жигар етишмовчилиги

2.жигар-буйрак етишмовчилиги

3.асфиксия

4.миокард инфаркти

5.бош мия инфаркти

* 1;2; * 3;4; * 2;3; * 3;5; * 4;5;

15.Кечишига кура алкоголли гепатит турларини айтинг:

1.уткир

2.сурункали

3.узок вақт давом этган

4.чакмоксимон

5.аралаш

* 2;3; * 1;2; * 3;4; * 4;5; * 1;3;

16.Сурункали гепатитнинг морфологик шаклини айтинг:

1.фаол

2.персистирловчи

3.учоғли

4.диффуз

5.оддий

* 1;2; * 3;4; * 2;3; * 3;5; * 4;5;

17.Сурункали гепатитнинг этиологик шакллари санаб утинг:

1.вирусли

2.алкоголли

3.медикаментоз

4.махсус

5.паразитар

* 1;4; * 1;2;3; * 2;4;5; * 4;5; * 3;5;

18. Пилефлебитик абсцесслар нима ва улар қачон, қаерда ҳосил бўлади?

1.ошқозон яра касаллигининг асорати-упқада абсцесслар

2.аппендицитнинг деструктив шаклининг асоратлари-жигарда абсцесслар

3.туткич артериясининг тромбозида

4.туткич веналаринингйирингли тромбофлебетида

5.оёқ-қуллар венасинингйирингли тромбофлебетида

* 1, 3 * 2, 3 * 1, 4 * 2, 4 * 1, 5

19.Жигар циррозининг асосий морфогенетик шаклини курсатинг:

1.постнекротик

2.портал

3.билиар

4.фаол

5.персистирловчи

* 1, 3;4; * 2, 3;5; * 3, 4;5; * 1;2, 3; * 2;4;

20. Циррознинг макроскопик шаклини айтинг:

1.йирик тугунли

2.майда тугунли

3.постнекротик

4.билиар

5.портал

* 3;4; * 3;5; * 1;2; * 4;5; * 2;5;

21. Жигар циррозининг морфогенетик типини айтинг:

1.постнекротик

2.портал

3.циркулятор

4.билиар

5.атрофик

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 * 1, 2,4

22. Вирусли жигар циррозининг макроскопик характеристикасини беринг:

1.жигар улчамлари кичиклашган

2.юзаси йирик тугунли

3.регенерат тугунларнинг улчамлари 1см.дан катта

4.юзаси яшил рангда

5.консистенцияси хилвиллаган

* 1, 2,3 * 2, 3,4 * 1,4, 5 * 2, 3,5 * 1, 3,5

23. Вирусли жигар циррозининг микроскопик характеристикасини беринг:

1.гидропик дистрофия устун туради

2.мультилобуляр тузилишдаги сохта булакчалар

3.монолобуляр тузилишдаги сохта булакчалар

4.ёгли дистрофия устун туради

5.учликнинг (триада) оралитининг якинлашиши

* 1,2, 3 * 2, 3,4 * 1, 4,5 * 2, 3,5 * 1, 3,5

24. Вирусли (постнекротик) жигар циррозининг мумкин булган улим сабабларини айтинг:

1.пневмония

2.асфиксия

3.жигар етишмовчилиги

4.жигар-буйрак етишмовчилиги

5.ошқозон ва кизилунгач кенгайган веналаридан қон кетиш

* 1, 2 * 1, 2,3 * 1, 2.3,4 * 2.3.4.5 * 1, 3,4,5

25.Жигар циррозининг микроскопик турларини айтинг:

1.мультилобуляр

2.монолобуляр

3.портал

4.постнекротик

5.йирик тугунли

* 3;4; * 2;5; * 1;2; * 3;5; * 4;5;

Амалий машғулотда ечиш учун масалалар:

1.Жигар циррози асцит билан асоратланган 33 ёшли беморда куп микдорда «кофе лойкасига» ухшаш қайт қилиш юзага келди, коллапс ривожланди ва улим юз берди. Жасади ёрилганда меъда – ичак йуллари бушлиги суюқ қорамтир қон массаси билан тулганлиги топилди. Меъдани кардиал булими ва кизилунгачни пастки 1/3 қисми шиллик қатлами остида веналари кенгайган, бурмаланган. Меъда ва кизилунгач веналаридаги узғаришлари тушинтиринг?

2.Кузикорин билан захарлангандан кейин беморда уткир жигар етишмаслиги юзага келган, жигарни улчамлари тезда кичрая бошлаган. Беморда қандай касаллик юзага келган, унинг асосида нима ётади? Касалликни морфологик босқичини айтинг.

3.7 йил олдин вирусли гепатитни оғир шаклини бошидан кечирган беморда жигар циррози аниқланди. Лапароскопияда жигарни улчамлари кичиклашган, юзаси донадор, тугунларнинг диаметри 5см-гача келади.

Ушбу циррозни морфологик турини айтинг? Кандай гистологик узгаришлар топилади? Кандай огирлашувлар улимга сабаб булиши мумкин?

4.Бемор узок йиллар давомида алкоголь истемол килган, сурункали алкоголизм билан огрийган. Алкоголни куп истемол килганда, сариклик кузатилди, жигар пунктати текширилганда эса алкогольли гепатитни кайталаниши аникланган. Объектив текширилганда жигарни консистенцияси зичлашган, кирралари нотекис, коринни олдинги деворида веналар кескин кенгайганганлиги хам аникланди. Жигарда кандай патологик жараён ривожланган? Кандай гистологик узгаришлар топилиши мумкин? Мумкин булган огирлашувларини айтинг?

5.Беморга кон куйилгандан 4 ой утгандан кейин сариклик келиб чикди, пальпацияда жигари катталашган, конда жигар трансминазалари микдори ортганлиги топилди. Беморда кандай касаллик ривожланган. Жигардаги макро-микроскопик узгаришлар кандай?

Тестлар ва вазиятли масалалар ечишда янги педагогик технологиянинг интерактив усулларида «мия штурми» услубида жавоблар олинади: бунда талабалар томонидан куплаб жавоб ва гоёлар уртага ташланади, укитувчи киска муддат ичида талабаларнинг амалий машгулотга тайёргарлиги хакидаги маълумотларни йиғади.

1У. Ушбу мавзу юзасидан талабалар илмий жамияти бўйича вазифалар:

Куйидаги мавзуларнинг бирига маъруза тайёрланг.

- 1.Гудаклар гепатити.
- 2.Рейе синдроми.
- 3.Жигарнинг тугма нуксонлари.
- 4.Жигарнинг учогли нодуляр гиперплазияси.
- 5.Асоратли хомиладорликда жигардаги узгаришлар.

У.Мавзуни узлаштиришни текшириш учун саволлар:

- 1.Жигарни токсик дистрофиясини тушинтиринг.

2. Ёгли гепатоз этиологиясини айтинг.
3. Иккиламчи гепатитларни сабаблари.
4. Жигар циррозларини морфогенези.
5. Портал кон айланишидаги асосий анастомозлар.
6. Жигар циррозларини дифференциал диагностикаси.

МАШГУЛОТ УЧУН ЖОРИЙ НАЗОРАТ.

(билимни якуний даражасини текшириш ва коррекция қилиш)

Машгулот учун рейтинг бали:

- | | |
|----------------------------|------------------------------|
| 1. Назарий билимига: _____ | 2. Амалий куникмасига: _____ |
| Жами: _____ | Уқитувчининг имзоси: _____ |

АДАБИЁТЛАР:

1. М.С. Абдуллахужаева. *Одам патологияси асослари*. Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1998. II-қисм. 354-390б.
2. *Патологическая анатомия (курс лекций)*. П/р. академика РАМН В.В.Серова, академика РАН и РАМН М.А.Пальцева. М.Москва. 1998. 290-303С.
3. А.И.Струков и др. *Патологическая анатомия*. М.: Мед. 1985. 375-393С.
4. В.А.Алимов, З.З.Эгамбердиева. *Патологик анатомиядан кулланма* Тошкент. Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. 1993. 6-11б.
5. *Патологик анатомия фани бўйича компьютер тест назорат дастурлари*. 1-ТошДавТИ (патологик анатомия кафедраси). 2002 йил.
6. Я.Ярыгин *Атлас патологической анатомии*. М.: Медицина. 1986- 288-301С.
7. В.В.Серов и др. *Руководство к практическим занятиям по патологической анатомии* М.: Мед., 1987. 171-175С.

Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси,
суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доцентлари

Аблязимова Т.Б., Маматалиев А.Р., ассистент Маматалиева М.А.лар
томонидан тузилган «**Ж и г а р к а с а л л и к л а р и**
(Гепатозлар. Гепатитлар. Жигар циррози ва раки. Болаларда жигар
касалликлари.)» номли талабалар учун услубий укув кулланмасига

Т А К Р И З

Патологик анатомия фанининг умумий патология булими буйича «Жигар касалликлари (Гепатозлар. Гепатитлар. Жигар циррози ва раки. Болаларда жигар касалликлари)» номли укув - услубий кулланмаси амалий машгулот учун мулжалланган булиб, 2002 йилда чоп этилган даволаш ва педиатрия факультетлари учун чиқарилган патологик анатомия фанининг намунавий дастурлари асосида тузилган.

Услубий кулланма мавзуси ҳар бир амалий машгулот учун тулик курсатилган, машгулотни мақсади аниқ ёритилган, бунда талабаларни амалий машгулот мобайнида урганиш учун ва бажара олиш лозим бўлган амалий куникмалар курсатиб утилган. Услубий кулланмада талабалар билим даражасини аниқлаш учун саволлар берилган.

Талабалар урганиши лозим бўлган микропрепаратлар берилган. Бажариш учун вазифа ва курсатмалар аниқ бўлган булиб, бу услубий кулланмани амалий машгулотни укув ҳаритасида курсатилган. Бу талабаларни туқима тузилиши, жойланишини билиши учун катта аҳамиятга эга.

Услубий кулланмада урганилган микропрепаратларни расмларини чизиш, таркибий қисмларни белгилаш учун алоҳида курсатмалар берилган.

Услубий кулланмада талабалар фикрлаш даражасини кенгайтириш мақсадида масалалар берилган. Услубий кулланмада талабалар илмий жамияти буйича мавзу юзасидан вазифалар берилган булиб, бу талабалар уз устида мустақил иш олиб бориши учун амалий аҳамиятга эга.

Кулланмада фойдаланиш учун адабиётлар тулик номлари келтирилган. Бу эса талабаларни қушимча мустақил тайёргарлиги учун қулай имконият яратади.

Услубий кулланма талабаларга дастур асосида фойдаланиш учун қулай имкониятлар яратиши сабабли чоп этишга тавсия қиламан.

Андижон Давлат тиббиёт институти
тиббий биология ва гистология кафедрасини
доценти, т.ф.н.:

Х.Алиев

Андижон Давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси,
суд тиббиёти ва патологик физиология курсини доцентлари

Аблязимова Т.Б., Маматалиев А.Р., ассистент Маматалиева М.А.лар
томонидан тузилган **«Жигар касалликлари (Гепатозлар. Гепатит-
лар. Жигар циррози ва раки. Болаларда жигар касалликлари.)»**
номли талабалар учун услубий укув кулланмасига

Т А К Р И З

Услубий кулланма мавзуси хар бир амалий машгулот учун тулик курсатилган, машгулотни максоди аник ёритилган, бунда талабаларни амалий машгулот мобайнида урганиш учун ва бажара олиш лозим булган амалий куникмалар курсатиб утилган, дастлабки жорий назорат утказиш учун талабалар томонидан узлаштириши лозим булган саволлар аник ва равон берилган, бу саволлар талабаларни назарий билимларини ва аналитик фикрлашларини текширишда ёрдам беради. Амалий машгулотлар укув харитасида урганиши лозим булган микропрепаратларни номлари, микропрепарат тайёрлашдаги буяш усуллари, бажариш учун вазифалар ва курсатмалар берилган булиб, бу талабалар учун якуний билим олишда, куникмалар хосил килишда кулайликлар тугдиради.

Услубий кулланмада расмлар чизиб олиш учун алохида жадваллар тузилган булиб, таркибий кисм номлари тулик берилган, микропрепаратларнинг расмлари мавзуга мос келади. Хар бир амалий машгулот учун 5 тадан талабаларни фикрий доирасини кенгайтирувчи масалалар киритилган, услубий кулланма якунида талабалар илмий жамияти учун вазифалар хам берилган. Фойдаланиш учун адабиётлар, асосий ва кушимча адабиётлар холида берилган булиб, талабаларни кушимча мустакил машгулотлари учун имконият яратади. Патологик анатомия фанининг умумий патология булими буйича **«Жигар касалликлари (Гепатозлар. Гепатитлар. Жигар циррози ва раки. Болаларда жигар касалликлари)»** номли укув услубий кулланма амалий машгулот учун 2002 йилги патологик анатомиядан «даволаш иши» (5720100-таълим йуналиши), «педиатрия иши» (5720200-таълим йуналиши) намунавий дастурлари асосида тузилган.

Хулоса килиб айтганда услубий кулланма талабаларга дастур асосида фойдаланиш учун жуда зарур. Ушбу услубий кулланмани чоп этишга тавсия этаман.

**Тошкент тиббиёт академияси
патологик анатомия кафедрасининг мудир,
т.ф.д., профессор:**

Исроилов Р.И.